

Аллоҳга энг маҳбуб юртлар масжидлардир.

08:35 / 18.09.2019 1562

يَبْنَونَ ع، هُنَّ ع لَلِ يَضَرَّةَ رِيَّهَ يَبَّانَ ع
، اَهُجَّاسَمَ ه ل ل ا ي ل ا د ا ل ب ل ا ب ح ا « : ل ا ق
هُ ا و ر . « ا ه ق ا و س ا ه ل ل ا ي ل ا د ا ل ب ل ا ض ع ب ا و
م ل س م

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга энг маҳбуб юртлар масжидлардир. Аллоҳнинг энг кўп ғазабига учраган юртлар бозорлардир», дедилар».*

Муслим ривоят қилган.

* Аллоҳ учун маҳбуб жойлар масжидлар. Чунки масжид тоат уйи, тақвонинг асоси, раҳмат ва мағфират нозил бўладиган ердир. Аллоҳ учун энг ёмон жойлар бозорлар. Чунки одатда бозор ғафлат, алдамчилик, мол дунёга ўчлик, фитна, тамагирлик, хиёнат ва ёлғон қасамлар жойи.